O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON SHAHAR
“Audit-ALFA” MCHJ
auditorlik tashkiloti
Andijon sh A.Navoiy shox ko'chasi 35-uy
INN-306986446 x/r 20 208 000 905 157 221 001
AT Invest Finans Bank Andijon Viloyat filiali MFO-01114

№ 4

«18» февраль 2022 йил

Андижон шахар «Янги бозор» деҳқон бозори АЖнинг 2021 йил 01 январдан 2021 йилнинг 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий билан фикр билдирилган

А У Д И Т О Р Х У Л О С А С И

Узбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шахар Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 20 августда 795679-рақам билан кайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юритиш хуқуқини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензияга эга бўлган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти Андижон шахар «Янги бозор» деҳқон бозори АЖ билан 2022 йил 25 январда тузилган 4-сонли шартномага асосан 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабрга кадар бўлган даврлар молиявий фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудитор Н. Курбонова (Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати № 05598) томонидан Андижон шахар «Янги бозор» деҳқон бозори АЖнинг 2021 йил 31 декабрь холатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги хисоботларининг ишончлилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Узбекистон Республикасининг харакатдаги молиявий конунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йуналишларни тартибга солувчи бошка меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун такдим килинган хисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги хамда хисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг конунийлиги буйича масъулият хужалик юритувчи субъект рахбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий хисобот буйича билдирган хулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг харакатдаги 700-сонли халкаро стандартига мувофик утказилди. Ушбу стандартлар бизга мижоз корхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий хисоботда моддий ахамиятга эга булган хатоликлар йуклиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий хисоботда акс эттирилган ва бошка молиявий ахборотларни бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботни тартибга солувчи конунчиликка мос келишлигини бахолашни талаб килади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида куриб чикилган молиявий хисобот буйича уз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, Андижон шахар «Янги бозор» деҳқон бозори АЖ нинг молиявий хисоботи унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида хакконий ахборот беради ва Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мос келади.

МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор: **Н. Курбонова**